

---

## Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида 16 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди

Фурқат тумани "Чиркай" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган касб-хунар мактабида ҳозирги кунда ишсиз аҳоли вакиллари, хорижий давлатлардан қайтган меҳнат мигрантларининг бандлигини таминалаш мақсадида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Меҳнат ярмаркасида туман ҳудудида жойлашган 78 дан зиёд корхона ва ташкилотлар ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналари, корхона фаолиятини тўлиқ ёритувчи кўргазмалар ҳамда мавжуд бўлган жами 286 та бўш иш ўринлари билан қатнашишди.

Ярмаркада жами 102 нафар фуқаролар иштирок этиб, шундан 62 нафарини ёшлар ташкил этди. Ўтказилган меҳнат ярмаркасида 16 нафар фуқароларни ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. 53 нафар фуқаролар чеварчилик ва ошпазлик гурухларига касбга ўқитиш учун юборилди.

Меҳнат ярмаркаси давомида 11 нафар фуқароларга меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва бошқа масалалар юзасидан керакли маслаҳатлар берилди.

Туманнинг барча ҳудудларида меҳнат ярмаркалари ташкил этиш режалаштирилган.

2023-02-16 18:15:45